МУТОЛАА ИЖТИМОИЙ МУАММО СИФАТИДА



doi 10.34920/2181-8207/2024/2-126



Мирали Махмудов,
Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти «Кутубхона фондлари ва библиография-фияшунослик» кафедраси доценти, педагогика фанлари номзоди

Аннотация: Ушбу мақола ўқиш қобилиятлари билан боғлиқ ижтимоий муаммолар мажмуасини ўрганишга бағишланган. Мақолада эксперт олимларнинг фикрлари ва ЮНЕСКО ташкилотининг ушбу йўналишдаги позицияси келтирилган бўлиб, унга аҳолининг ўқиш маданиятини ўрганиш бўйича кенг кўламли социологик тадқиқотлар натижалари берилган. Аҳолининг турли табақалари ўртасида ўқиш маданияти даражасини аниқлаш учун республикамизда бундай тадқиқотлар ўтказиш, индикатив омилларни аниқлаш зарурлиги кўрсатилган.

Калит сўзлар: мутолаа, ижтимоий муаммолар, социологик тадқиқотлар, мутолаа маданияти

Аннотация: Данная статья посвящена изучению комплекса социальных проблем, связанных с навыками чтения. В статье приводятся взгляды ученых-экспертов и позиция организации ЮНЕСКО в этом направлении, проводящей масштабные социологические исследования по изучению читательской культуры населения. Указывается необходимость таких исследований в нашей республике для определения уровня культуры чтения среди разных классов населения и определения индикативных факторов.

Ключевые слова: чтение, социальные проблемы, социологические исследования, культура чтения

Annotation: This article is devoted to the study of a complex of social problems related to reading skills. The article presents the views of expert scientists and the position of the UNESCO organization in this direction, which conducts large-scale sociological research on the study of the reading culture of the population and indicates the need for such research in our republic to determine the level of reading culture among different classes of the population and identify indicative factors.

Keywords: reading, social problems, sociological research, culture of reading

Мутолаа қобилияти замонавий психология ва педагогикада бир-бирига боғлиқ бўлган бир неча даражаларга бўлинади: биринчиси, одам ҳарфларни таниб олишни ва уларни сўзларга қўйишни ўрганади, иккинчисида — овоз чиқариб ўқишни, учинчисида — ичида ўқиш ва нихоят охирида ўқиган нарсаларига ғайриихтиёрий равишда танқидий муносабатда бўлиб ўқишдир. Тўлиқ ҳуқуқли, саводли китобхон бўлиш учун мутолаа маҳоратини шакллантиришнинг барча тўртта даражасини изчил ўзлаштириш керак.

ЮНЕСКО маълумотларига кўра, сайёрадаги 771 миллиондан ортиқ катталар ўқий олмайди ва 100 миллионга яқин бола мактабга бормайди

Жаҳон илмий ҳамжамиятининг ташвиши, биринчи навбатда, ўқиш (биринчи даражада), ёзиш ва ҳисоблаш кўникмаларига эга бўлмаган саводсиз одамлар сонининг кўпайиши билан боғлиқ. ЮНЕСКО маълумотларига кўра, сайёрадаги 771 миллиондан ортиқ катталар ўқий олмайди ва 100 миллионга яқин бола мактабга бормайди. Албатта, саводсизлик дунёда нотекис намоён бўлади: саводсиз одамларнинг аксарияти дунёнинг энг қашшоқ 35 мамлакатида яшайди[1]. Бироқ, ривожланган мамлакатларда ҳам улар талайгина. «Миллат ҳавф остида: таълимни

ислоҳ қилиш зарур» деб номланган маърузада ёш америкаликлар орасида саводсизларнинг улуши 17% бўлганлиги қайд этилган[2].

Саводсизлик ҳақида гапирганда, ўқиш кўникмаларини ўзлаштиришнинг бошқа даражаларини ҳисобга олиш муҳимдир. Ўқувчининг таҳлилини, ижодий ишини ўз ичига олган юқори даражадаги ўқиш қобилиятининг етарли даражада ривожланмаганлиги функционал ёки иккиламчи саводсизлик атамаси билан белгиланади. «Функционал саводсизлик» тушунчаси нисбатан яқинда — 1980 йилларнинг бошларида пайдо бўлган. ЮНЕСКО мутахассисларининг таърифига кўра, «функционал саводсизлик» атамаси асосан ўқиш ва ёзиш қобилиятини йўқотган, қисқа ва мураккаб бўлмаган матнни идрок эта олмайдиган ҳар қандай шахсга нисбатан қўлланилади. Функционал саводсизлик кўпроқ ўқиш ва ёзишнинг оддий қобилияти билан эмас, балки ўқиш, маълумот етишмаслиги билан боғлиқ. Функционал саводсизлик деганда агар одам матннинг умумий маъносини сезмаса (қисман ёки тўлиқ), матннинг асосий ғоясини ажратиб ололмаса, мазмунини қайта айтиб бера олмаса, ўқиганлари ҳақида ўз фикрларини шакллантиришда қийналса, айтиш мумкин.

2000 йилда ўтказилган халқаро PISA (Programm for International Student Assessment (PISA) тадқиқотлари натижаларига кўра, талабаларнинг 71%, матннинг асосий ғоясини топа олиши, берилган маълумотларни топа оладиган талабалар 77%, — воқеалар изчиллиги ва кетма-кетлигини тушуна оладиган талабалар - 63% ни ташкил этиши аниқланган. Шундай қилиб, тахминан 30% талабаларни функционал саводсиз деб ҳисоблаш мумкин деган хулосага келинган. Бошқа тадқиқотлар ҳам бу маълумотларни тасдиқлайди.

PISA-2000 тадқиқотларида 32 та мамлакат иштироқ этган. Маълумотларга кўра ривожланган мамлакатлардаги ўқувчиларнинг 60% қониқарли саводхонликка эга, Россияда эса 43%. Қониқарсиз саводхонлиги бор ўқувчилар Россияда 27%, Финляндияда 7%, Японияда-10%, Кореяда-6%ни ташкил этган. PISA-2002 йилда ўтказилган тадқиқотлар ҳам худди шундай натижаларни берган [3].

Кейинги йилларда ўтказилган PISA-2018 тадқиқотларида Пекин, Шанхай, Жиангсу ва Зхежианг (Хитой), Канада, Эстония, Финляндия, Гонконг (Хитой), Ирландия, Макао (Хитой), Полша ва Сингапур талабаларининг 85% дан ортиғи матндаги асосий ғояни аниқлаш, мезонлар асосида маълумот топишлари ва матнларнинг мақсади ва шаклини таҳлил қилишларида бир хил натижаларни кўрсатдилар. Ўзбекистон ҳам 2022 йилдан бошлаб PISA халқаро тадқиқотларида иштирок этиш учун ҳамкорлик ишларини бошлаб юборди.

Ҳозирги вазият хавфлими? Ижтимоий фанлар шуни кўрсатадики, саводсизликнинг ўсишининг бутун жамият учун ижтимоий оқибатлари ўта салбий. Ушбу муаммони аниқлаш учун турли даражаларда ўқиш орқали бажариладиган функцияларни қайд этиб ўтамиз.

Ижтимоий ҳодиса сифатида ўқиш ҳақида гапирганда, биз унинг функцияларининг бир нечта гуруҳларини ажратиб кўрсатишимиз мумкин.

Якка тартибда мутолаа шахсни ўз-ўзини ривожлантириш ва амалга оширишга қодир бўлган тўлақонли интеллектуал ва ҳиссий ривожланишига ҳисса қўшади. Маданият ва китобхонлик социологияси бўйича машҳур Россиялик мутахассис С. Н. Плотниковнинг сўзларига кўра, мутолаа инсоннинг энг муҳим ижтимоий-маданий фазилатларини ривожлантиришга ҳисса қўшади, бу одамларни ўқиш ва ўқимаганларнинг қиёсий таҳлили орқали аниқланади.Мутолаа қилувчи инсонлар:

1) муаммолар тоифаларида ўйлашга, бутунликни тушунишга ва ҳодисаларнинг қарама-қарши ўзаро боғлиқлигини аниқлашга қодир; вазиятни етарлича баҳолайди ва тўғри ечимларни тезроқ топади;

2) катта ҳажмдаги хотира ва фаол ижодий тасаввурга эга бўлади;

3) сўзлаш нутқини яхши эгаллаган бўлади: ифодали сўзлайди, фикрлашда қатъий ва сўз бойлиги кўп бўлади;

4) фикрларни аниқроқ шакллантиради ва эркинроқ ёза олади;

5) онсон алоқага киришади ва мулоқот қилишда ёқимли бўлади;

6) мустақиллик ва ички эркинликка кўпроқ эҳтиёж сезади ўз хатти-ҳаракатларига мустақил фикр юритишига танқидий муносабатда бўлади [4].

Бу ерда биз энди ўқиш ва таълим ҳақида эмас, балки ақл ҳақида, билим ҳақида эмас, балки бугунги кунда алоҳида аҳамиятга эга бўлган фикрлаш шакллари ҳақида гапирамиз. Инсоннинг маданий тажрибаси қанчалик кичик бўлса, нафақат унинг тили, балки концептуал соҳа ҳам камбағалдир[5].

Шахс маданияти асосан мутолаа маданиятидан иборат бўлиб, у шахс ривожланишининг кўплаб таркибий қисмларини акс эт-

ЮНЕСКО мутахассисларининг таърифига кўра, «функционал саводсизлик» атамаси асосан ўқиш ва ёзиш қобилиятини йўқотган, қисқа ва мураккаб бўлмаган матнни идрок эта олмайдиган ҳар қандай шахсга нисбатан қўлланилади

Якка тартибда мутолаа шахсни ўз-ўзини ривожлантириш ва амалга оширишга қодир бўлган тўлақонли интеллектуал ва ҳиссий ривожланишига ҳисса қўшади



тиради: мафкуравий, маданий, психологик, фалсафий ва бошқалар. Мутолаа маданияти шахснинг уйғун яхлит ривожланишининг кўрсаткичи, унинг ижтимоий етуклиги шахснинг ижтимоий-коммуникатив ривожланишининг омили сифатида ишлайди. Шундай қилиб, мутолаа энг ривожланган ва ижтимоий-қимматли талабга эга бўлган шахснинг фазилатларини шакллантиради.

Мутолаа маданияти шахснинг уйғун яхлит ривожланишининг кўрсаткичи, унинг ижтимоий етуклиги шахснинг ижтимоий-коммуникатив ривожланишининг омили сифатида ишлайди

Гуруҳда, субмаданий даражада, мутолаа, бир томондан, дунёдаги ғоялар захирасини бойитишга ҳисса қўшадиган анъана урф-одатларни узатиш ва сақлаш механизмининг ажралмас қисмидир. Бошқа томондан, адабиёт ва мулоқат ажралмас бўлиб, бўш вақтни ўтказишнинг бундай шакллари қабул қилинадиган гуруҳлар, масалан, ўқиганларини муҳокама қилиш ўз аъзоларидан катта интеллектуал фаолликни талаб қилади. Бундай интеллектуал машқлар инсоннинг ақлий функциясини ривожлантиради, унинг ақл-идрокини ва натижада ҳаёт имкониятларини оширади. Табиийки, бўш вақт шакллари таълим даражасига ва одамларнинг келиб чиқишига жуда сезгир. Шунинг учун ўқиш жамиятнинг ижтимоий тузилишини такрор ишлаб чиқаришда ҳам иштирок этади.

Социология улкан тадқиқот салоҳиятига ва жуда кўп тўпланган тажрибага эга. Социологик ёндашувнинг ўзига хослиги шундаки, у мутолаанинг ижтимоий томонини — кўникмалар ва имтиёзларнинг кенг ижтимоий контекст билан қандай боғлиқлигини ўрганишга қаратилган

Ижтимоий даражада мутолаа ижтимоий аҳамиятга эга шахс турини кўпайтириш воситасидир. Китобларда ижтимоий санкцияланган қадриятлар ва меъёрлар қайд этилиб, уларни янги авлодларга етказиш, жамиятда узлуксизлик ва бирдамликни таъминлайди. Айтишимиз мумкинки, биз бир-биримизни тушунмаяпмиз, чунки биз турли китобларни ўқиганмиз.

Ижтимоий ва маданий кўпайишнинг яна бир жиҳати шундаки, мутолаа инсонга нафақат жамиятнинг тўлақонли аъзоси бўлиш, балки ўз фарзандларини ўқитишга, оила ва Ватанга садоқат, муҳаббат руҳида тарбиялаш имкониятини беради. Диққатли ва мулоҳазали ўқувчи йиллар давомида болалар билан сабрли ва сезгир мулоқот қилиш учун зарур бўлган доноликка эга бўлади.

Профессори Т. Г. Галактионова асарларида мутолаа жамиятнинг интеллектуал ва маданий салоҳиятини сақлашнинг энг муҳим воситаси, билимларнинг узлуксизлиги ва инсоннинг ижтимоий коммуникатив ривожланишини, ёш авлоднинг ахлоқий салоҳиятини ривожлантиришнинг муҳим омили сифатида таҳлил қилинган [7].

Саводсизлик ва паст саводхонликнинг ўсиши мамлакатнинг мудофаа қобилиятига хавф туғдиради. Ўқиш ва ёзишни билмайдиган ёшларни харбий хизматга чақирилиши жуда катта ижтимоий муаммодир.

Бу омил иқтисодий ҳаётга ҳам салбий таъсир кўрсатади. Биринчидан, тармоқ ёки глобал иқтисодий ўзгаришлар ҳолатида саводсиз ёшлар ишсизлар армиясига қўшилишлари мумкин. Иккинчидан, ўқиш ва меҳнат унумдорлигининг боғлиқлиги узоқ вақтдан бери аниқланган. Америкалик тадқиқотчи Д. Козол функционал саводсиз америкаликлар ҳақидаги рақамларга таяниб шундай ёзган эди: «саводсизлик иқтисодиётимизга катта зарар етказади, сиёсий тизимимизга ва энг муҳими, саводсиз америкаликлар ҳаётига таъсир қилади. Кейин у туфайли йўқотишлар тахминан 237 миллиард долларни ташкил этди” [6].

«Мутолаа инқирози» нинг зарарли таъсирини акс эттирувчи омиллар ва фактлар рўйхатини давом эттириш мумкин.

Аммо мутолаа маданияти соҳасидаги бундай қийин вазиятнинг сабаблари нимада? Унинг кейинги таназзулини олдини олиш, мутолаанинг ижтимоий обрўсини тиклаш учун нима қилинмоқда ва нима қилиш керак?

Ушбу саволларга жавобларни илмий билимларнинг турли соҳаларини вакили: тарихчи ва психологлар, кутубхонашунослар ва социолингвистикачилар, маданиятшунослар ва адабиётшунослар изламоқдалар.

Социология улкан тадқиқот салоҳиятига ва жуда кўп тўпланган тажрибага эга. Социологик ёндашувнинг ўзига хослиги шундаки, у мутолаанинг ижтимоий томонини — кўникмалар ва имтиёзларнинг кенг ижтимоий контекст билан қандай боғлиқлигини ўрганишга қаратилган.

Социология иқтисодий, маданий ва таркибий сабаблар мажмуаси туфайли мутолаани ижтимоий амалиёт сифатида ўрганади. Бу шуни англатадики, маълумот олиш мутолаанинг фақат бир томони. Мутолаа – бу маълум бир ижтимоий муҳит маданияти билан

танишиш амалиёти. Мутолаа соҳасига бўлган қизиқишимизнинг кўлами ва йўналиши, мутолаа фаолиятимиз қандай ижтимоий, касбий, этник гуруҳга мансублигимизнинг қандай нормалари ва қадриятларига боғлиқлигимизни билдиради. Ўсмирларнинг қадрият йўналишлари ва хулқ – атвор қизиқишлари бошланғич гуруҳлар, кейин-мактаб муҳити ва маълумот гуруҳлари (инсон турмуш тарзига эътибор қаратадиган гуруҳлар) таъсири остида шаклланади. Бундан ташқари, мутолаага макро-ижтимоий омиллар-умуман мамлакатдаги вазият ҳам таъсир қилади.

Республикамизда аҳолини мутолаа маданиятини ўрганиш йирик социологик тадқиқотларни ўтказишни талаб қилади. Чуночи ахолини турли табақалари ўртасида ўқувчилар, талабалар, ёшлар, мутахассислар ва бошқаларни мутолаа маданияти даражасини аниқлаш ва унга таъсир кўрсатувчи омилларни белгилаш ва шу асосда тадбирлар тизимини ташкил этиш мақсадга мувофиқдир. Шунинг учун биз ушбу социалогик тадқиқотларда мисол тариқасида қуйидаги асосий масалаларни аниқлаш зарур деб ҳисоблаймиз:

1. Ахборотга бўлган талабларни ўрганиш. Китоб ва бошқа ахборот манбаларига қандай мақсадда мурожаат қилинишини аниқлаш, мутолаа учун адабиётларни танлашда кимларга ёки нималарга мурожаат қилишни аниқлаш, адабиёт турлари ва хилларига бўлган муносабат ҳамда газета, журналларга бўлган муносабатлар ва бошқаларни аниқлаш.

2. Кутубхоналарга ва уларни ахборот-кутубхона хизматларига бўлган муносабатларни аниқлаш.

3.Китоб мутолааси ва ахборотни ўзлаштиришнинг самарадорлигини оширишни турли хил усуллари ҳақида билимларни аниқлаш.

4. Ахборот маданияти, жумладан ахборотларни қидириб топишнинг замонавий усулларидан хабардорлик. Интернет манбаларидан фойдалана олиш даражасини аниқлаш, компьютер технологиялари ёрдамида матн билан ишлаш, ҳисоб-китоб ишларини амалга ошириш, товуш тасвир билан ишлаш ва бошқаларни амалга ошира олиш қобилиятларини аниқлаш ва ҳоказолар.

5. Ҳаётий қадриятларга бўлган муносабатларни аниқлаш, жумладан: оила, дин, таълим, шуҳрат, мартаба, пул,маънавият, интелектуаллик, самарадорлик, маданий мерос, ҳокимлик ва бошқалар бўлган муносабатларни.

Юқорида қайд этилган асосий масалаларни аниқлаш, кейинчалик Республикамизда мутолаа маданиятни шакллантиришнинг илмий асосдаги чора-тадбирларини яратишни ва уларни амалга ошириш имконини беради. Ижтимоий ва миллий устуворликлардан бири сифатида оммавий мутолаани тиклаш ва ривожлантириш қуйидагиларга ёрдам беради:

-Жамиятининг ҳаётий муаммоларини ҳал қилиш, мамлакатимиз олдида турган стратегик мақсадларга эришиш;

-ижтимоий шароитларни тубдан яхшилаш ва ватандошларнинг ҳаётий фаолиятини сифатини ошириш;

-самарали ижтимоий йўналтирилган давлат сиёсати ва ижтимоий соҳага кучли молиявий ёрдамлар, шу жумладан, мутаолаани қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришга эришиш учун зарурдир.

Бу, бизнингча, Ўзбекистоннинг ахборот жамияти, билимлар жамияти сари ривожланишининг ажралмас шартидир.

Мутолаа соҳасига бўлган қизиқишимизнинг кўлами ва йўналиши, мутолаа фаолиятимиз қандай ижтимоий, касбий, этник гуруҳга мансублигимизнинг қандай нормалари ва қадриятларига боғлиқлигимизни билдиради

Ахолини турли табақалари ўртасида ўқувчилар, талабалар, ёшлар, мутахассислар ва бошқаларни мутолаа маданияти даражасини аниқлаш ва унга таъсир кўрсатувчи омилларни белгилаш ва шу асосда тадбирлар тизимини ташкил этиш мақсадга мувофиқдир

Фойдаланилган адабиётлар:

1. *Электронный источник: Unesco. org. Режим доступа: http://typo38.unesco. org/ru/ unesco-home. html*
2. *Поликарпов В. С. Американская система образования: от «кафетерия» до Гарварда // Закат Америки. Электронный источник: Historic.ru. Режим доступа: http://historic.ru*
3. *Электронный источник: Programm for International Student Assessment (PISA) // Режим доступа: http://www.pisa.oecd.org*
4. *Платников С.Н.Проблемы социалогии художественной культуры.-Москва: Знание, 1990.-64 с.*
5. *Тихомирова И. И. О развитии у детей позитивного отношения к чтению // Чтение детей и подростков как фактор формирования человеческого капитала: Материалы Всероссийской научно-практической конференции 27–28 мая 2004 г. СПб., 2004. С. 44.*
6. *Козырев В. А., Черняк В. Д. Круг чтения и языковая способность российского студента // Вестник Герценовского университета. 2007. № 10. С. 47.*
7. *Галактионова Т. Г. Чтение как фактор культурной преемственности // Гуманитарные проблемы современной цивилизации: VI Международные Лихачевские научные чтения. 26–27 мая 2006 г. СПб., 2006. С. 331–332.* ■